

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

САФАРОВ ТАХИРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА
СУДЬЯЛАРНИНГ ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИГИ: ЗАМОНАВИЙ
ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Сафаров Тахиржон Баходирович

Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлиги: замонавий ҳолат ва ривожланиш йўналишлари..... 3

Сафаров Тахиржон Баходирович

Юридическая ответственность судей при отправлении правосудия: современное состояние и направления развития..... 25

Safarov Takhirjon Bakhodirovich

Legal responsibility of judges in the administration of justice: the current situation and trends..... 47

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

САФАРОВ ТАХИРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА
СУДЬЯЛАРНИНГ ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИГИ: ЗАМОНАВИЙ
ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ү491 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джураев Ихтиёр Бахтиёрович юридик фанлар доктори, профессор Сабиров Эркинжон Кучкарбаевич юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқини муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020.Ү4.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “29” апрель соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси 42-уй. Тел.: (998) 71 202-04-96; факс: (998) 71 202-04-96, info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси 42. Тел.: (99871) 202-04-96, info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил “14” апрель куни тарқатилди.

(2023 йил “14” апрелдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

К.О.Синдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда одил судлов билан боғлиқ халқаро ҳужжатларда судьяларни юридик жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, бу демократик давлатларда чинакам мустақил суд ҳокимияти фаолиятини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан биридир. 1998 йил 8-10 июлдаги “Судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги Европа Хартияси судьянинг хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган мулкий зарар учун давлатнинг жавобгарлик тамойилини белгилаб берди. Унга кўра, миллий қонунчиликда давлатнинг суд тартибида судьядан судьялик вазифаларини бажариш билан боғлиқ қоидаларни қўпол ва кечирилмас тарзда бузган тақдирда регресс тартибда қилинган харажатларни қоплаш, лекин белгиланган миқдордан ортиқ бўлмаган тўловни ундириб олиш мумкинлиги белгилаб қўйилди.¹ 1985 йилда БМТнинг Еттинчи Конгрессида қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари”да судьяларнинг шахсий фуқаролик жавобгарликдан мутлақ дахлсизлиги эълон қилинди. Бироқ ушбу дахлсизлик миллий қонунчилик талабларига мувофиқ жабрланувчи томоннинг етказилган зарарни давлат томонидан қоплаш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига таъсир қилмаслиги, шунингдек, давлат тўланган товон пулини регресс тартибда ҳуқуқбузар судьядан ундиришга ҳақли эмаслиги белгиланди.²

Дунёда судьялар томонидан суиистеъмоликлар содир этилишининг олдини олиш механизмларини яратиш, интизомий жазо чораларини назарда тутувчи қонун нормалари билан ва судьялик одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши оқибатида судьялар ҳамжамияти органлари томонидан судьяга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий чораларнинг ўзаро оқибатларини фарқлаш ва чегаралашга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, судьяларнинг дахлсизлигига риоя қилиш ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда муносиб жавобгарликка тортиш, мазкур муносабатларни тартибга солишни комплекс институт сифатида тадқиқ этиш ва мавжуд механизмларни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Одатда, судьяларнинг юридик жавобгарлиги давлат ҳокимияти тизимига ишончсизликни уйғотиши сабабли, бу борадаги статистик маълумотлар очикланмайди. Бироқ судьяларга нисбатан юридик жавобгарликнинг қўлланилиши жамиятда коррупциянинг ривожланганлиги, унга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланганлиги, коррупцияга қарши муросасиз ва самарали кураш олиб борилаётганлигига кўпроқ боғлиқдир. Масалан, ўтган давр мобайнида АҚШда жами 66 нафар, Австралияда 44 нафар, Японияда 19 нафар судьяга нисбатан хизмат текшируви ўтказилган бўлса, 2014-2019 йилларда Россияда 1,6 минг нафар судья интизомий, 2013-2016 йилларда 53 нафар судья жиноий,

¹ European charter on the statute for judges // Strasbourg, on 8-10 July 1998 // <https://rm.coe.int/090000168092934f>

² Basic Principles on the Independence of the Judiciary ADOPTED. 06 September 1985. BY the Seventh United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders held at Milan from 26 August to 6 September 1985 // <https://www.ohchr.org>; <https://www.unodc.org>

Қозоғистонда 2018 йилнинг ўзида 28 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилган.

Мамлакатимизда судьяларнинг юридик жавобгарлиги турлари қонунчиликда аниқ ажратиб кўрсатилмагани, уларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиб-таомиллари қонун билан тасдиқланмагани сабабли айрим ҳолларда юридик жавобгарликка лойиқ бўлган ҳуқуқбузарлик содир этган судьянинг жавобгарлиги эътибордан четда қолиб кетаётган бўлса, бошқа ҳолларда судьяларни юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш жараёнида уларнинг одил судловга оид фаолиятига аралашувлар давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, 2020 йилда 61 нафар, 2021 йилда 220 нафар, 2022 йилда 276 нафар судья интизомий, 2020 йилда 4 нафар судья маъмурий жавобгарликка, 4 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.³ Судьялар олий кенгаши томонидан 2021 йилда 38 нафар судьянинг ваколати муддатидан илгари тугатилган. 2022 йилнинг ўзида интизомий жавобгарликка тортилиб, ваколати муддати тугатилган 24 нафар судьядан ташқари, 30 нафар судья ўз аризасига асосан вазифасидан озод этилган.⁴ Бу эса одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлиги билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш, ушбу жавобгарликни назарда тутувчи қонун нормаларини такомиллаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Жиноят кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Фуқаролик кодекси (1995), янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги (2021), “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги (2017) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

³ Судьялар олий кенгашининг 2023 йил 25 январдаги 38-23-сонли жавоб хати // Диссертация иловаси, - 183 бет.

⁴ Судьялар олий кенгашининг фаолиятига оид маълумотнома // Диссертация иловаси. -Б. 184-186.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда судьялар юридик жавобгарлиги билан боғлиқ масалалар бир қатор миллий ва хорижий олимлар ҳамда тажрибали амалиётчилар томонидан тадқиқ этилган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг давлат-ҳуқуқий ва конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан А. Саидов, Б. Қосимов, Б. Мирбобоев, Г. Бердимуратова, Д. Арипов, З. Исломов, О. Сулаймонов, О. Ҳусанов, Р. Қаюмов, С. Аббосхўжаев, У. Тажиханов, Ҳ. Бобоев, Ҳ. Одилқориев томонидан ўрганилган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигига доир ташкилий-ҳуқуқий, жиноий ва фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари – А. Абдумажидов, А. Ғофуров, А. Полвонзода, А. Хамраев, А. Эгамбердиев, Б. Жамолов, Ж. Абдурахмонхўжаев, М. Мамасиддиқов, Е. Никифорова, З. Иноғомжонова, З. Эсанова, М. Каландарова, М. Ражабова, М. Рустамбаев, У. Мингбоев, Ф. Муҳиддинов, Ф. Муҳиддинова, Х. Ёдгоров ва Ш. Умарова каби олимлар ва тажрибали амалиётчилар томонидан ўрганилган.

Таъкидлаш жоизки, Б. Қосимов докторлик диссертациясида Ўзбекистон ва АҚШнинг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилиб, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. О. Сулаймонов тадқиқотларида суд ҳокимияти мустақиллиги бўйича халқаро ва минтақавий стандартларни назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича амалий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Г. Бердимуратова Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиб, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш учун суд қарорларини чиқаришда мустақиллик ва холислик тамойилларига амал қилинишининг муҳим жиҳатларини ёритган бўлса, Б. Жамолов суд ҳокимиятининг тизими ва унинг мустақиллиги концепцияларига доир масалаларни ўрганган. Д. Арипов суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизими ва уларни такомиллаштиришга оид ҳуқуқий муносабатларни тадқиқ этиб, суд ҳокимиятининг функциялари, унинг ривожланиш босқичлари ва мустақиллигини таъминлашдаги муаммо ва ечимларни ёритган.

Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлигига боғлиқ айрим масалалар мамлакатимиздаги олимлар А. Атажанов, Д. Арипов, О. Сулайманов, Э. Сабиоровлар, хорижий олимлардан Б. Базилев, В. Савицкий, В. Яковлев, В. Венедиктов, Г. Ермошин, Д. Фурсов, Д. Липинский, Е. Колесников, З. Астемиров, И. Харламова, Л. Танцюра, Л. Виноградова, М. Сишикова, М. Клеандров, М. Палеев, М. Шатских,

Н.Селезнева, Н.Петухов, Н.Радутная, Р.Хачатуров, С.Пашин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.⁵

Юқоридаги олимлар ва мутахассислар суд ҳокимияти мустақиллигига кўпроқ суднинг давлат ҳокимиятида тутган ўрни нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашганлар. Аммо, уларнинг ишларида судьяларнинг юридик жавобгарлиги тушунчаси ва мазмун-моҳиятига доир масалалар батафсил очиб берилмаган. Тадқиқот ишимиз юқорида келтириб ўтилган олимларнинг ишларидан фарқли ўлароқ одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлиги масалалари суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан қиёсий тадқиқ этишга бағишланган. Ишда илмий-назарий хулосалар ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда амалий тавсиялар илгари сурилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқот режасига киритилган ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган (2020-2023).

Тадқиқотнинг мақсади одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар юридик жавобгарлигининг замонавий ҳолати ва ривожланиш йўналишларини тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

судьялар юридик жавобгарлиги масалаларини судьянинг ҳуқуқий мақомининг элементи сифатида назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш;

судьялар юридик жавобгарлигига оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни миллий қонунчилигимизга тадбиқ этиш;

судьялар юридик жавобгарлигининг турларини тавсифлаш ва келгусида унинг янги турларини жорий этишга қаратилган таклифларни асослантириш;

одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар интизомий жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар жиноий жавобгарлигининг айрим жиҳатларини тадқиқ этиш;

одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг маъмурий ва фуқаролик жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

судьяларга нисбатан интизомий ва жиноий иш қўзғатиш ҳамда уларни кўриб чиқиш механизмларини очиб бериш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

судьяларни жавобгарликка тортишда юқори инстанция судлари, малака ҳайъатлари ва Судьялар олий кенгаши ролини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан қонунчиликка таклифлар киритиш;

⁵Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

судьяларни ўз ички ишончи асосида қабул қилган қарори учун жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган механизмлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлигини тартибга солувчи халқаро стандартлар, илғор хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқий асослар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва юридик фанда мавжуд бўлган илмий-назарий ёндашувлар, қарашлардан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, ижтимоий сўров, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судьяларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига аралашувларни камайтириш учун уларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилиши мумкинлигини белгилаш, уларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек, тугатиш асослари ва тартибга оид муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш зарурлиги асослантирилган;

судьяларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилиши мумкинлигини белгилаш зарурлиги асослантирилган;

судьяларга нисбатан тайинланадиган интизомий жазолар уларнинг қилмишига мутаносиб бўлишини таъминлаш учун судьяларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган интизомий жазо турларини кўпайтириш, хусусан интизомий жазо тизимини оғоҳлантириш, малака даражасини пасайтириш ва судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш каби жазо турларини киритиш зарурлиги асослантирилган;

Судьялар олий кенгашига Судьялар малака ҳайъатлари ва Олий малака ҳайъатининг судьяни интизомий ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш вазифасини юклаш лозимлиги асослантирилган;

судьяга нисбатан турар-жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат

тезкор-кидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилаш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интизомий иш қўрилиши жараёнида судьянинг иштирок этиш, ҳимояга бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш, фикр-мулоҳазаларини билдириш ва вакилга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш зарурати асослантирилган;

Судьяларнинг олий малака ҳайъати, жойлардаги судьялар малака ҳайъатларининг раислари лавозимида ўтказиладиган сайловда ушбу судлар раисларининг номзоди, яъни Олий малака ҳайъати раислигига Олий суд раиси, вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларнинг малака ҳайъатлари раислигига шу вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари номзодларини кўрсатилишини чеклаш зарурати асослантирилган;

судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи бўйича Судьялар олий кенгаши томонидан биринчи инстанцияда кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар устидан шикоят берилган тақдирда, ушбу шикоятни кўриб чиқиш учун Суд жюриси тузилиши лозимлиги асослантирилган;

судьяларни маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортишнинг тартибини ишлаб чиқиш зарурати асослантирилган;

истеъфодаги судья мақомини жорий этиш ва қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйиш зарурати асослантирилган;

судьялар юридик жавобгарлиги, судьянинг интизомий ҳуқуқбузарлиги, суд иммунитетини тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш вақтида интизомий жавобгарликка тортиш бўйича ташаббус кўрсатган ёки хизмат текшируви олиб борган Судьялар олий кенгаши ёки тегишли малака ҳайъати аъзосининг овоз бериш ҳуқуқини чеклаш зарурати асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда хорижлик олимлар томонидан ўрганилган ва тавсия этилган илғор услублардан фойдаланилган. Халқаро илмий базалар (<https://www.scholar.google.com>, <https://www.jstor.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://www.proquest.com>, <https://heinonline.org>) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида назарий-илмий хулосалар шакллантирилган. Тадқиқот мавзусига оид ўтказилган ижтимоий сўровларда жами 2098 нафар, жумладан 1056 нафар судья, 1 нафар собиқ судья ва 8 нафар судьялик ижтимоий мақоми сақлаб қолинган ҳолда бошқа вазифаларда хизмат қилаётганлар, 1033 нафар бошқа фуқаролар иштирок этган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистонда судьяларнинг юридик жавобгарлигини ҳал этиш жараёнида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига аралашув-

ларни олдини олиш билан боғлиқ илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Суд ҳуқуқи”, “Суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” фанини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда судьялар юридик жавобгарлигини ҳал этиш жараёнида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига аралашувларни олдини олиш орқали суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлигининг замонавий ҳолати ва ривожланиши йўналишлари таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилиши мумкинлигини белгилаш, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартибини, судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек, тугатиш асослари ва тартибини қонун билан белгилаш зарурлигига доир таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йили 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармоннинг 11-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 5 январдаги 20-21-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қонунчиликдаги судьяга нисбатан Олий суд раиси ва бошқа мансабдор шахслар томонидан интизомий иш қўзғатиш ҳуқуқини бекор қилишга ва шу йўл билан судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига аралашувларни чеклашга хизмат қилган;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилиши мумкинлигини белгилаш зарурлигига доир таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йили 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармоннинг 11-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 6 январдаги 20-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши судьялар юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига аралашувининг олдини олишга хизмат қилган;

интизомий жазо тизимини оғоҳлантириш, малака даражасини пасайтириш, судьянинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш каби

жазолари билан тўлдириш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармонининг 11-бандини ҳамда 2021 йил 28 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 30 июлдаги 10/2-3345-сон ва Олий суднинг 2021 йил 11 октябрдаги 16/824-21-сон далолатномалари) ва интизомий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги исботланган судьяга нисбатан қилмишига мувофиқ таъсир чораси қўлланилишини таъминловчи қоидалар яратилиши орқали мазкур судьяни одил судлов билан боғлиқ фаолиятига аралашувларни чеклаш имконияти яратилишига хизмат қилган;

манфаатдор шахсларнинг Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяни интизомий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқи билан таъминланишига доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-717-сонли Қонунининг 1-моддаси 3-бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 11 октябрдаги 572-21-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 15 октябрдаги 06/1-11/5266-сон далолатномалари). Ушбу таклиф судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини ҳал этувчи орган томонидан судьяга нисбатан чиқарилган қарорнинг асосли, адолатли ва қонунийлигига бошқа бир мустақил судьялар ҳамжамияти органи томонидан баҳо бериш учун шароит яратишга хизмат қилган;

судьяга нисбатан турар-жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилаш лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони 4-банди олтинчи хатбошини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 25 январдаги 08/41-23-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши судьяларнинг дахлсизлиги механизмларини янада такомиллаштириб, уларга мансабдор шахслар томонидан таъсир ўтказилишини чеклашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий конференциялари, жами 5 та анжуманда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, хорижий илмий ахборот манбаларида 2 та, илмий журналларда 5 та, конференция материаллари тўпламида 8 та илмий мақола chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 9 та параграфни қамраб олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Одил судловни амалга оширишда судьялар юридик жавобгарлигининг назарий ҳуқуқий асослари ва халқаро стандартлар”** деб номланган биринчи бобида одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар юридик жавобгарлиги судьялар ҳуқуқий мақомининг элементи сифатида ўрганилган, судьялар юридик жавобгарлиги келиб чиқшининг назарий-ҳуқуқий асослари очиқ берилган. Бу борадаги халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳужжатлари ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ўзаро қиёсий таҳлил этилиб, ижобий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертант юридик адабиётларда илгари сурилган судьяларнинг юридик жавобгарлигига оид қарашларни (З.А. Астемиров, О.В. Петришин, М.В. Цвик, О.Л. Фиэлд, Д.В. Володина) таҳлил қилган ҳолда судьяларнинг юридик жавобгарлиги – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий муносабатлар доирасида ваколатли давлат органлари томонидан ягона, махсус процессуал тартибда амалга ошириладиган, судья томонидан содир этилган қонунбузарлик учун, ҳуқуқбузарликнинг тури ва оғирлик даражасига қараб қонунчилик ҳужжатлари санкциясида назарда тутилган, судьяга нисбатан шахсий, мулкӣ ёки ташкилий тусдаги салбий оқибатларга олиб келувчи давлатнинг мажбурлаш воситаси, деган хулосага келади.

Шунингдек, судья ҳуқуқий мақомининг элементлари борасида тадқиқот юритган олимларнинг хулосалари билан илмий мунозараларга киришиб, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил этган ҳолда судьянинг ҳуқуқий мақоми элементлари қуйидагилардан иборат эканлиги тўғрисида хулосага келади:

- а) судья ҳуқуқий мақомининг тамойиллари;
- б) судьяликка номзод ва судьяларга қўйиладиган талаблар;
- в) судьяларни тайинлаш тартиби;
- г) судьянинг судьялар ҳамжамиятининг аъзоси ва суд муҳокамаси иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- д) судьянинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари;
- е) судьянинг ваколатини тўхтатиш ва тугатиш тартиби;
- ж) судьянинг ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун жавобгарлиги.

Тадқиқотчи суд тизими ва судьяларнинг фаолиятига оид халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳужжатлари, шунингдек рейтинг юритувчи халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиз бўйича тузган ҳисоботларидаги тавсияларини ҳамда ижобий хорижий тажрибани мамлакатимиздаги ҳақиқий ҳолат билан қиёслаб таҳлил этган ҳолда судьяларнинг юридик жавобгарлигига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиққан.

Судьянинг юридик жавобгарлиги судья ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмини ташкил этувчи алоҳида элемент бўлиб, судьялар томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этилишини олди олинишини, унинг жавобгарлигини ҳал этиш асносида судьянинг дахлсизлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг одил судловга эришиш имконини кафолатловчи асосий омилдир, деган хулосага келади.

Диссертант судьяларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашувларнинг олдини олиш учун уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ёритилиши муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олган ҳолда Германия, Франция, Хитой, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиб, “Судьяларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифини асослантиради ва унинг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасининг сезиларли даражада ошишига хизмат қилади, деган хулосага келиб, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиққан ҳолда диссертация ишига илова қилади.⁶

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида истеъфодаги судья мақомининг жорий этилиши судьялар дахлсизлигини мустаҳкамлаш борасида самарали чора бўлиши билан бирга, ўзи муқаддам эгаллаган лавозимга кўра қатор алоқаларни сақлаб қолган собиқ судьянинг жавобгарлиги масаласини тартибга солишда ҳам самарали механизм бўла олишини таъкидлайди.

Диссертант судьяга фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик бўйича тўлиқ дахлсизлик ҳуқуқини бериш ёки ушбу муносабатларда унинг оддий фуқаро

⁶ Муаллиф томонидан ишланган “Судьяларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси // диссертация иловасининг 210-231 бетлари.

сингари иштирок этишини белгилашда келиб чиқиши мумкин бўлган одил судловга эришиш йўлидаги таҳдидларни таҳлил этган ҳолда судьянинг дахлсизлигига оид кафолатларни уни фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун тегишли судьялар малака ҳайъатининг розилигини олиш тариқасидаги қоида билан тўлдириш лозимлиги ҳақидаги қарашларини асослайди.

Судьяларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш, жумладан уларнинг юридик жавобгарлиги масалаларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш орқали фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш – бу соҳадаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши лозим, деган хулосага келади. Бу эса судьяларга нисбатан интизомий иш юритишга доир халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, судьяларнинг интизомий жавобгарлигига оид халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш истиқболларини белгилашнинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертант суд тизими ва судьялар фаолиятига оид халқаро ҳужжатларни таҳлил этиб, уларни қуйидаги тўртта гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия қилади:

1) судлов ишларини юритишни тартибга солувчи универсал ва минтақавий хусусиятга эга бўлган халқаро шартномалар;

2) БМТ, Европа Кенгаши, шунингдек, халқаро ва европа судьялар ҳамжамияти органларининг ҳужжатларида келтирилган судьялар касбий фаолиятига дахлдор стандартлар;

3) халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида келтирилган судьяларнинг касбий фаолиятига дахлдор стандартлар;

4) Европа Кенгашининг суд ва судьялар фаолиятига оид қоидалар баён этилган ҳужжатлар.

Миллий қонунчиликдаги Конституциявий суд судьяларининг интизомий ҳуқуқбузарлигига оид тартибга солинмасдан қолган қирраларни аниқлаб, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунни Конституциявий суд судьясига нисбатан Конституциявий суд раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан огоҳлантириш, ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тарзидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида билан тўлдириш лозим, деган хулосага келган.

Шунингдек, судьяларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича халқаро стандартлар, хорижий тажриба ҳамда миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда судьяларни махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техникаси воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар, агарда судья бу ишлар бўйича ўз дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланишдан воз кечса, умумий тартибда кўриб чиқилишини қонунда аниқ белгилаб қўйиш заруратини асослаган.

Диссертациянинг “Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар юридик жавобгарлиги чоралари” деб номланган иккинчи боби судьяларнинг юридик жавобгарлиги турлари, уларни интизомий, жиноий, маъмурий ва фуқаролик жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

Тадқиқотчи О.Сулаймонов, О.Тошев, Д.Володин, М.Погоретский М.Сапунова, О.Гончоренко, О.Яновска каби олимларнинг қарашлари ҳамда миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил этган ҳолда судьялар юридик жавобгарлигининг анъанавий тарзда фуқаролик, интизомий, жиноий ва маъмурий жавобгарлик турларига бўлинишини асослантирган.

Шунингдек, мамлакатимизда 2020-2022 йилларда жами юридик жавобгарликка тортилган 1 115 нафар судьянинг 1 106 нафари интизомий, 1 нафари фуқаровий, 4 нафари жиноий ва 4 нафари маъмурий ҳуқуқбузарликка оид жавобгарликка тортилганлигини инобатга олган ҳолда асосий эътибор судьянинг интизомий жавобгарлиги бўйича назарий хулосалар ҳамда шу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишга қаратган.

Тадқиқотчи олимларнинг юридик жавобгарлик турлари борасидаги фикрлари ҳамда қонунчиликни таҳлил этиш натижаларига кўра, миллий қонунчиликда судьяларнинг одил судлов фаолияти билан боғлиқ жавобгарлиги ва маъмурий бошқарув фаолияти билан боғлиқ фаолиятига оид интизомий жавобгарлиги турларини ажратиб кўрсатиш лозим, деган хулосага келади. Бунда, маъмурий бошқарув билан боғлиқ фаолиятда интизомий ҳуқуқбузарликка сабаб бўлувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун унинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш мумкин эмаслигини белгилаб қўйиш муҳим шарт бўлишини қайд этади.

Шунингдек, судьянинг интизомий ҳуқуқбузарлиги тушунчасига олимлар (Д.Н. Бахрах, Т.М. Сыщикова, М. Шатских) томонидан берилган таърифлар ҳамда миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, қўйидаги мазмунда муаллифлик таърифини ишлаб чиқилди: судьянинг интизомий ҳуқуқбузарлиги - махсус қонун билан белгиланган, судьянинг меҳнат муносабатларига киришиш вақтида ўз зиммасига олган мажбуриятларининг бузилиши кўринишида ифодаланадиган, интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлган айбли ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ, Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсиялари, олимлар ва тадқиқотчиларнинг (Г. Сулейманова, Э. Сабиров, В.Терехин) илмий хулосалари таҳлилидан судьяга нисбатан интизомий иш юритилишини тартибга солувчи ҳужжат қонун билан тасдиқланиши, бунда судьяга нисбатан интизомий иш юритишнинг дастлабки босқичлари, агар судья бошқача илтимос билан мурожаат қилмаса, конфеденциал ҳолда юритилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосани асослайди.

Шунингдек, Россия, Молдова, Украина, Беларусь, Грузия, Қозоғистон каби мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ҳамда судлар фаолияти мустақиллигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб боровчи халқаро ташкилотларнинг тавсияларини таҳлил этган ҳолда Судьялар олий кенгаши ва тегишли малака хайъатларида ўзларига нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш кўриб чиқиладиганда жавобгарлик масаласи ҳал этиладиган судьянинг ҳуқуқларини ифода этиш учун унинг ўзи ёки вакили иштирок этишини қафолатловчи нормани қонунчиликда мустаҳкамлаш заруратини асослайди.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар (Д. Арипов, И. Назаров, Ҳанс-Отто), ижобий хорижий тажриба (Германия, Франция, Литва) ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини илмий таҳлил этган ҳолда судьяларга нисбатан интизомий жазо тизимини оғоҳлантириш, малака даражасини 6 ойгача бўлган муддатга пасайтириш, судьяни камроқ ҳақ тўланадиган судьялик лавозимига ўтказиш, судьянинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш каби жазолар билан тўлдириш заруратини асослантиради.

Тадқиқотчи судьянинг иммунитет ва дахлсизлиги фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятининг муҳим омилларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда ушбу тушунчаларга олимлар томонидан берилган таърифларни таҳлил этиб, суд иммунитетини қуйидагича тушунишни таклиф этади: **суд иммунитет** – ўзига хос ҳуқуқий иммунитет сифатида судьяларни муайян юридик мажбуриятлардан озод этадиган, уларни конституциявий мақомини ва ўз вазифаларини тўғри бажарилишини таъминлаш учун уларни жавобгарликка тортишнинг махсус тартибларини белгиладиган қоидалар мажмуидан иборат мураккаб институт.

Тадқиқотчи ўзи томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, 1056 нафар судьялар, собиқ судьялар ва судьялик ижтимоий таъминотини сақлаб қолиб, бошқа вазифада ишлаётган респондентларнинг 72 фоизи, судьялик лавозимида ишламаган респондентларнинг 83 фоизи судьяларнинг интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликка тортишнинг қўшимча рухсатлар олишни талаб этувчи алоҳида тартиби уларнинг мустақиллигини таъминлаш ва фаолиятига аралашувларни чеклашга хизмат қилишини билдиргани ҳамда ижобий хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда қонунчиликда судьянинг иммунитетини қуйидаги қоидалар билан кенгайтиришни таклиф этади:

1) судьяга нисбатан турар жой дахлсизлиги ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилаш;

2) судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга гувоҳ ва гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун фақат тегишли малака хайъати розилиги билан чақирилишига йўл қўйилишини белгилаш.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳам истеъфодаги судья мақомини жорий қилиб, унга судья лавозимида 10 йил ва ундан ортиқ муддат ишлаб, пенсияга чиққан ва судьялик мақомига доғ туширмаган шахсларни киритиш таклиф этилади. Уларга истеъфодаги судьялик мақомига эгаллик даврида бошқа лавозимни эгаллашларини чегараламасдан, судьялар ҳамжамияти аъзолигини ва судьянинг дахлсизлик ҳуқуқини сақлаб қолишларини белгилаш лозим, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи процессуал жавобгарлик масаласи бўйича олимлар томонидан (М.О. Сапунова, Д.В. Володин, О.В. Гончоренко, Д.А.Лапинский, Р.Л.Хачатуров) билдирилган фикрларни ҳамда қонунчиликни таҳлил этиб, мазкур ҳодиса ўта мураккаб ва мунозарали бўлгани сабабли илмий ҳамжамиятда ҳам судья процессуал жавобгарликнинг субъекти бўла олиши ёки бўлмаслиги масаласида якуний тўхтамга келинмаганлигини қайд этади.

Диссертант конституциявий жавобгарлик масалаларини тадқиқ этиб, унга конституциявий ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган конституциявий ҳуқуқ субъектларининг содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маълум салбий оқибатларга олиб келадиган ўзига хос мажбурият, деб таъриф беради. Шунингдек, мамлакатимиз Конституциясида ҳам судьяларга муайян лавозимларни эгалламаслик, сиёсий партия аъзоси бўлмаслик каби мажбуриятлар юклатилган бўлиб, ушбу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги махсус қонунларда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради, деган тўхтамга келади.

Тадқиқотчи конституциявий жавобгарлик бошқа юридик жавобгарлик турлари билан кўплаб ўхшашликлари бўлса-да, ўзига хос сифат – сиёсий табиатга эгаллиги сабабли жавобгарликнинг ушбу тури алоҳида жавобгарлик тури сифатида ўрганиш учун муносиб, деб ҳисоблайди. Шунингдек, Конституцияни судьяларнинг интизомий жавобгарлигига оид нормалар билан тўлдириб, унда судьялар ваколатининг муддатидан олдин тугатилишига фақатгина қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилишини белгилаш лозим деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг **“Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлигига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида судьяларга нисбатан интизомий ва жиноий иш қўзғатиш ҳамда уларни кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, жавобгарликка тортишда уларнинг мустақиллигини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга оид масалалар ўрганилган.

Мамлакатимизда судьялар томонидан ўзига берилган судья мақомини суиистеъмол қилиб, суднинг обрўсига путур етказиш ҳолатлар ҳам учраб туриши статистик таҳлилларда баён этилган. Аниқланишича, 2022 йил давомида Судьялар малака ҳайъатлари томонидан 1 026 та хизмат текшируви ўтказилиб, шундан 620 та ҳолат бўйича ўз тасдиғини топиб, шуларнинг 472 таси бўйича интизомий иш қўзғатилган. 148 таси бўйича интизомий иш қўзғатилмаган. Интизомий иш қўзғатилган 472 та ҳолатдан 276 тасига нисбатан интизомий жазо қўлланилиб, 196 таси бўйича иш тугатилган.

О.Сулаймонов ва М.Сишикованинг фикрлари ҳамда мамлакатимизда судьянинг юридик жавобгарликка тортилгани ҳолатлари бўйича ОАВда эълон қилинган маълумотлар ҳамда мавжуд қонунчиликни таҳлил қилган ҳолда ҳар доим ҳам судьяларга нисбатан қилмишига мувофиқ жавобгарлик белгиланган деб бўлмайди, деган хулосага келади. Хусусан, Судьялар одобахлоқ кодекси қоидаларининг ҳар қандай бузилиши оқибатида судьяларнинг интизомий жавобгарликка тортилиши ҳолатини танқид этиб, бундай қоидаларни судьялар ҳамжамиятининг олий органи бўлган Судьялар қурултойи томонидан тасдиқланишини ҳамда судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш учун асослар рўйхати аниқлаштирилишини таклиф қилади. Шунингдек, муаллиф судьянинг ваколатини тўхтатиб туриш асосларини ҳам аниқлаштириш лозим, деган фикрни илгари суради.

Болгария, Хорватия, Франция, Грузия ва Литва каби мамлакатларнинг ижобий тажрибаси, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда олимларнинг фикрларини таҳлил этган ҳолда ишларни юқори босқичда кўриш натижалари бўйича қуйи босқич судининг судьясига нисбатан интизомий иш кўзғатиш ҳақидаги ажрим чиқариш ҳуқуқини бекор қилиш заруратини асослайди.

Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи бўйича Судьялар олий кенгаши томонидан биринчи инстанцияда кўриб чиқилиб қабул қилинган қарорлар устидан шикоят берилган тақдирда, ушбу шикоятни кўриб чиқиш учун Конституциявий суд, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши судьяларидан тенг вакиллардан иборат бошқа инстанцияда кўрилишини белгилаш заруратини асослантирган.

Соҳада илмий тадқиқот олиб борган олимлар (О.Сулаймонов, А.Атажанов), ижобий хорижий тажриба (Қозоғистон, Украина) ҳамда Ўзбекистон судьялар ҳамжамиятидаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли малака ҳайъатларининг раислигига ўтказиладиган сайловларда шу суд раислари номзодини кўрсатилмаслигини қонунчиликда белгиланиши судьялар юридик жавобгарлигини ҳал этиш жараёнида уларнинг мустақиллигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштиради деган хулосага келади.

